

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Ва Ўрта-Махсус Талим Вазирлиги
Захириддин Мухаммад Бобур номидаги
Андижон Давлат Университети
Тахрих ва Ижтимоий фанлар факултети
Миллий ғоя, Манавият асослари ва Хуқуқ талими
Кафедраси
ҚЎЛ ЁЗМА ХУҚУҚИДА
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ИШЛАРИНИ
БОШҚАРИШДА ФУҚАРОЛАР
ИШТИРОКИНИНГ КОНУСТУТУТСИЯВИЙ
АСОСЛАРИ**

5111600-Миллий ғоя, манавият асослари ва хуқуқ таълим йўналиши бўйича бақалавр академик даражасини олиш учун ёзилган.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

**Илмий рахбар: Катта ўқитувчи
Д.Усмонова**

Андижон 2015

Мавзу: Давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асослари.

РЕЖА:

Кириш.

1. Фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши.

2. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини қонуний кафолатлари.

3. Давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда референдум ўтказиш тартиби.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар.

МУНДАРИЖА:

Кириш.....	3-7
1. Фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши.....	8-20
2. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини қонуний кафолатлари.....	21-37
3. Давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда референдум ўтказиш тартиби.....	38-46
Хулоса.....	47-51
Фойдаланилган адабиётлар.....	52-54

Кириш

Битирув малакавий иши **мавзусининг долзарблиги** шу билан белгиланадики, инсон эркин яшаши, фаолиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа жабҳаларида ўз фаоллигини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратадиган миллий қонунчиликнинг ислоҳ қилиниши республикамиз инсон ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий мақсадлар ва ҳаракатлар йўлини танлаганлигидан далолат беради. Давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асослари масаласини ўрганиб чиқиш мавзу бўйича муҳим аҳамият касб этади.

1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан БМТнинг 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, 1959 йилги Бола ҳуқуқлари декларацияси, 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида» ва «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ни Халқаро битимлар, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро битимга Қўшимча баённома каби муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини ўзида мужассамлаштирган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида оламшумул воқеа бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди»¹

¹Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 47-б.

Бу кадриятларнинг барчаси Асосий қонунимизда ўз аксини топди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13, 24, 27-моддаларига биноан:

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади. Гап шундаки, фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва бурчларига эга. Айнан фуқароларгина солиқ тўлайдилар, ҳокимият органларига ўз вакилларини сайлайдилар, Ватанни ҳимоя қиладилар. Бундай ҳуқуқ ва бурч фуқароларга давлат ҳамда жамият ишларида фаол иштирок этишга имкон беради².

Мавзунинг **аҳамиятлилиги** шундан иборатки, фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши, Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини қонуний кафолатлари, давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда референдум ўтказиш тартиби сингари масалаларни ўрганиш ва келгусида умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежларда, шунингдек олий таълим тизимида, ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитишда ушбу иш материалларидан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб ўтишдан иборат.

Мазкур мавзунинг **ўрганилиши даражаси** хусусида айтиш мумкинки, Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, фармон ва қарорлари, ҳукумат фармойишлари, давлатимиз қонунлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бундан ташқари мазуга оид бир қатор илмий асарлар, дарсликлар, қўлланмалар, газета ва журнал мақолалари ҳам бу масалани ёритувчи ишлар сарасига киради.

Ишнинг **мақсади** мавзуга доир мавжуд юридик адабиётлар ва матбуот материаллари мисолида давлат ва жамият ишларини бошқаришда

²Матибаев Т.Б. Демократия – ижтимоий адолат ва ҳамкорликни амалга ошириш имконияти. // Жамият ва бошқарув, 2013, № 1, 134-бет.

фуқаролар иштирокининг конституциявий асослари мавзусини ёритиб беришдан иборат.

Ишнинг мақсади қуйидаги **вазифа**ларини сўзсиз ижросини талаб этади:

- Фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши;
- Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини қонуний кафолатлари;
- Давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда референдум ўтказиш тартиби.

Ўрганишнинг **объекти** мустақиллик йилларида давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асослари масаласи бўйича амалга оширилган чора-тадбирларни таҳлил этиб, мавзуни ёритиб бериш ҳисобланади.

Ўрганиш **предметини** давлатимиз ва ҳукумат томонидан Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида мазкур мавзуни ўрганиб чиқиш ҳисобланади.

Ишнинг **хронологик чегараси**: Ўзбекистоннинг мустақиллик даврни ўз ичига олади.

Мазкур ишнинг **методологик асосини** илмий англаш, билиш назарияси ташкил этиб, бунинг бош, асосий принципини объективлик, тарихийлик, шунингдек ижтимоий-сиёсий амалиёт билан алоқаси ташкил этади.

Малакавий ишнинг **холисоналиги**, барча қонунчилик актларини аниқ ҳисобга олиш, шунингдек, мавзунинг манбавий асосини таҳлил этишдан иборат.

Мазкур битирув малакавий ишида талаба томонидан ўрганишнинг **махсус илмий усуллари**дан фойдаланилган: бунга муаммолилиги, муҳимлилиги, тизимли – тузилишлилиги, статистик, шунингдек дедукция, индукция, анализ ва синтез каби билишнинг умумий илмий усуллари киради.

Битирув малакавий ишининг манбавий асосини ўзбекистонлик муаллифларнинг тадқиқотлари, монографиялари ва ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлари, шунингдек матбуот материаллари ташкил этади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур иш, баён қилинган мавзуга махсус равишда бағишланган бўлиб, у мустақил Ўзбекистонда давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асослари мавзусини ўрганишга ўз хиссасини қўшади.

Мазкур битирув малакавий ишининг тузилиши қуйидагиларни: кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловани ўз ичига олади.

Мазкур битирув малакавий иши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида бакалаврларнинг битирув малакавий ишини бажаришга қўйиладиган талабларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2010 йил 9-июндаги 225-сонли бўйруғи талаблари асосида бажарилган.

Умуман фуқаролик жамиятининг барча мезонлари асосий қонунимизда ўз аксини топган. Ундаги нормалар асосида ривожланиб бораётган фуқаролик жамияти институтлари давлат ва жамият ҳаётида муҳим рол ўйнамоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки, улар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган самарали ишларига ҳам бевосита Конституция ва у асосида қабул қилинган қонунлар ҳуқуқий асос бўлмоқда.

Фуқаролик жамиятининг институционал таркибий қисмлари, уларнинг шакллари, ташкил этилиши ва фаолиятига оид устувор қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Жамоат бирлашмалари» деб номланган XIII бобида ўз ифодасини топган. Ушбу бобдаги 56-моддага асосан: «Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар,

оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади».

Конституция яратиб берган имкониятлар асосида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига кенг йўл очилди. Бугунги кунга келиб мамлакатимизда 6300 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Сўнгги уч йилда уларнинг сони 22% га ортган бўлиб, ҳозирги кунда мамлакат нодавлат нотижорат ташкилотларнинг 40% аҳолига психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, касб маълумотига кўра хизматлар кўрсатиш, ишга киришга кўмаклашиш, ногиронларнинг ижтимоий реабилитацияси, аҳолининг ночор қатламига ёрдам кўрсатиш каби турли соҳаларда ижтимоий хизматлар кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг 58-моддасида «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради» деган қоида мустаҳкамланган³. Унинг амалий ижроси натижасида 2008-2013 йилларда Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтларининг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик дастур ва лойиҳалари давлат бюджети маблағлари ҳисобига 30 миллиард сўмга яқин миқдорда қўллаб-қувватланди.

1. Фуқароларни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиши.

Фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштироки масаласида, аввалам бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини таъкидлаб ўтиш зарур бўлади: «...Ҳаётимизга танқидий кўз билан қараш, сиёсий-ижтимоий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, бугун халқимизни қизиқтирадиган долзарб масалалар бўйича – у сиёсатга тегишлими, давлатни, жамиятни бошқаришга, ҳаётни яхшилашга дахлдорми – вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган ҳулосалар билдириш керак. Уларни асослаб, кенг жамоатчиликни ўз фикрига тарафдор этиш, авваламбор миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб бориш даркор»⁴.

Қайд этиш лозимки, жамиятни бошқариш, унда фуқаролар иштироки кенгайтишининг ҳуқуқий таъминланиши масалалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан кафолатланган. Фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этишдан иборат. Уларнинг конституциявий ҳуқуқларини янада кенгроқ таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ижтимоий бошқарув тизими қандай

⁴ Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза. 1998 йил 19 август // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.

шаклда ва қай тарзда бўлиши миллий қонунчилигимизда тўла ўз аксини топган.

Маълумки, демократия ҳамжихатлик ғояси, давлатчилик анъаналари, жамоатчилик фикрининг устуворлиги заминида шаклланди. Ўзбекистондаги демократик жараёнлар эса қонунга итоат этиш, ахлоқий қадриятларга таяниш, маънавийтни сиёсий муносабатлардан устун қўйиш негизида ривожланди. Шу муносабат билан буюк мутафаккир Аҳмад Яссавийнинг “Инсон маънавий камолотга интилиб яшаши лозим, кўнглида эътиқоди йўқ одам эса инсон номига номуносибдир”, деган ибратли ҳикматларини эслаш жоиз.

Шунингдек, жамият бошқарувига оид мумтоз ғояларни “Темур тузурлари”да ҳам кўришимиз мумкин. Соҳибқироннинг ҳаёт маъно-мазмунини, инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар ҳақида билдирган фикрлари, дину диёнат ва адолатни жойига қўйиш, салтанат ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. “Темур тузуклари” асарининг ҳар бир сатри эл-юрт, салтанат ташвиши билан яшаган фидоий инсон, улкан давлат арбобининг кенг миқёсдаги ўй-фикрлари, ҳаёт ва кураш тажрибаси, мушоҳадаси, баъзан эса дардли ва изтиробли кечинмалари билан суғорилган. “Салтанат ишларининг тўққиз улушини машварат, тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтириш зарур”, деган кўрсатмаларида ҳозирги нотинч замон учун, XXI аср сиёсатдонлари учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли фикрлар борлигини таъкидлаш жоиз⁵.

Мустақил Ўзбекистонда жамиятни бошқариш замонавий тизимини белгилаш пайтида маҳалла – мамлакатимизда амалга оширилаётган кўп қиррали ислохотларнинг ишончли таянчи ва таъсирчан кучи – алоҳида ҳисобга олинди. Маҳалла халқимизнинг миллий табиати, азалий анаъаналарга асосланган йирик нодавлат, ижтимоий ўзини ўзи бошқариш

⁵ Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. 2011 йил 8 апрель // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.

идорасидир. Истиклол йилларида маҳалла институти – ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият бошқарувидаги роли, ваколоти ҳамда масъулияти янада кучайтирилди. Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда маҳалланинг таъсири ва аҳамияти ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил бораётган мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тизимида маҳалла институтининг алоҳида ўрни бор.

Табиийки, мустақил Ўзбекистонда жамият келажаги ўз қобилигимизга ўралиб қолган ҳолда эмас, балки умумбашарий ва демократик қадриятларни чуқур ўзлаштирган ҳолда тасаввур этилди. Бу – келажакни энг тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, жамиятни бошқариш усуллари, инсон эркинликлари ва ҳуқуқликлари тафаккуримизга, ўз ҳаётимизга жорий қилишда қўрилди⁶.

Жамият бошқарувининг асосий ва кўп қиррали воситаси қонундир. Ижтимоий бошқарувда қонун устуворлиги демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилидир. Қонун маъмурий – буйруқбозлик тизимининг тазйиқ ва зўравонлигидан фарқли ўлароқ, барча тузилмалар фаолияти, ҳар бир фуқаро ҳуқ-атворининг мезонига айланади.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига ўтиш” деган шиорни амалда рўёбга чиқариш кўп йиллар давомида бизнинг олдимизда турган муҳим ва долзарб вазифадир. Ушбу дастуриамал шиор ислохотлар жараёнида жамиятни бошқариш вазифаларининг аксарияти давлатдан фуқаролик ва ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари қўлига ўтишини англатади. Давлатга қарашли бўлмаган тузилмалар ваколатларининг кенгайиши билан, уларнинг ижтимоий муносабатларни ривожлантиришда, жамиятни бошқаришда тутган ўрни тобора салмоқли ва фаол бўлади. Бу – сиёсий ҳаётимизни, давлатни бошқариш сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш, янгилаш йўлидаги асосий

⁶Фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштироки. // Фуқаролик жамияти, 2013, №1, 6-бет.

тамойил, муҳим йўналишимиздир. Бу жараён ўз ҳолича эмас, балки қонунлар асосида, изчил ва босқичма-босқич ривожланиб боради. Ҳокимият вазибаларининг бир тузилмадан иккинчисига ўз ҳолича, бошқарилмасдан ўтиши беқарорликка, тартибсизликка, демократия асосларининг оёқ ости бўлишига олиб келишини яхши тушунамиз.

Давлатнинг жамиятга раҳбарлик қилиш ва бошқариш соҳасидаги ролини унинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати белгилайди. Ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш турли хил ҳуқуқий асос орқали амалга оширилади. Улар орасида асосий ўринни, ҳеч шубҳасиз, Конституция эгаллайди. Асосий Қонунимиз ижтимоий ҳаёт меъёрларини ҳам белгилаб беради.

Жамиятни бошқаришнинг энг мукаммал лойиҳаси ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминрлаш, энг етук, юксак демократик тамойилларига жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда ҳам жорий этиш билан боғлиқ.

Сайловда фуқароларимиз юксак фаоллик билан иштирок этади. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш қонун ҳужжатларига, очиқ ва ошкоралик тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. Сайловнинг аҳамияти хусусида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилади. Ана шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жамият бошқарувининг муҳим бўғини бўлган сиёсий партия, оммавий ижтимоий ҳаракатлар ва фуқаролар йиғинлари вакилларида иборат энг муносиб номзодлар сайланади.

Жамиятни қуриш, уни идора қилиш ва бошқаришнинг асосий субъектларидан бири бу сиёсий партиялардир. Уларнинг олдида турган яқдил мақсад – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, - бироқ бу мақсадга эришишнинг турли йўллари сиёсий партиялар ёқлаб чиқишади.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да жамоат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий – ҳуқуқий асосларини янада

такомиллаштириш, уларнинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш юзасидан устувор йўналишлар белгиланиб, уларнинг изчил амалга оширилаётгани мазкур ташкилотларнинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақомини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугун юртимизда кечаётган ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишда жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамияти нечоғлик улкан эканини кўриб турибмиз. Тадбиркорликни ривожлантириш, спорт ва соғлом турмуш тарғиботи, оилаларни мустаҳкамлаш ва уларга моддий кўмак бериш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига эришиш мазкур ташкилотларнинг асосий вазифаларига айланди.

Мустақил Ўзбекистон тобора жамиятни бошқариш, халқ фаровонлигини юксалтириш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида кўпчилик учун ўрнатилган мамлакатга айланди. Мамлакатимиз кудратининг юксалаётгани бундай таъкид учун тўла асос бўла олади.

Хулоса қилиб айтганда, олимларимиз ҳозирги ижтимоий-сиёсий воқеликни ҳар томонлама таҳлил қилиб, жамиятни бошқаришга оид долзарб масалалар бўйича вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириши лозим. Уларни асослаган тарзда, жамоат ташкилотлари аъзолари ҳамда етакчилари томонидан ислохотларнинг изчил ва барқарор давом этиши, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган ғояларнинг амалий кучга айланиши учун кураш олиб боришига замин ҳозирлаш лозим.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари - Ўзбекистонда халқ ҳокимиятининг амалга оширилиши ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига мамлакатнинг ижтимоий - сиёсий ҳаётида фаол амалий ва ҳуқуқий иштирок этиш имконини беради.

Сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида гап кетаётган экан, бу ҳуқуқлар асосан Ўзбекистон фуқароларига тегишли эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Конституцияда кўрсатилганидек, жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз

вакиллари оркали иштирок этиши ҳуқуқларида фойдаланишлари мумкин(32-модда).

Ўзбекистон Конституциясининг фуқароларига берилган сиёсий соҳадаги ҳуқуқлардан бири шу "жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари оркали иштирок этиш"дир. Бундай иштирок этиш ҳуқуқи икки йўл билан амалга оширилади:

Биринчидан: бевосита иштирок этиш. Бу референдум ўтказишда, давлат органларини сайловлар йўли билан ташкил этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида иштирок этиши билан амалга оширилади.

Иккинчидан: фуқаролар ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, давлат органлари, Республика Президенти оркали жамият ва давлат, шуларни амалга оширишда қатнашадилар.

Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, яширин овоз бериш ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида эркин амалга оширилади. 18-ёшга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг яна бир пассив сайлов ҳуқуқи бўлиб, бу вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқидир. Сайлов кунига қадар 25-ёшга етган ҳар бир фуқаро Олий Вакиллик органи - Олий Мажлисга депутат этиб сайланиши мумкин. Шунингдек, 35 ёшга етган, давлат тилида эркин сўзлаша оладиган, бевосита сайловгача 10 йилдан кам бўлмаган муддатда республикаимиз ҳудудида муқим яшаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланиши мумкин.

Халқ, Ўзбекистон Республикасида референдум оркали ўзининг иродасини ифода этади. Референдум давлат ҳаёти ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалалари бўйича, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг

конунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш, уларни ўзгартириш, жамоатчилик фикрини аниқлаш мақсадида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси депутатларининг ўз сайловчилари олдида ҳисобот беришлари ва учрашувларини ҳам халқ ҳокимиятчилигини бевосита амалга ошириш шакли сифатида қурсатиш мумкин;

Халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг яна бир кўриниши халқнинг муайян жамоат бирлашмалари, хусусан, қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар ва бошқа ташкилотлар орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишидир. Масалан, сиёсий партияларнинг республика Олий Мажлиси сайловларида ўз номзодларини кўрсатиши ва сайлаши, Олий Мажлис ишида партия фракцияларини иштирок этиб, қонун чиқаришда ўз сиёсатларини ўтказишга ҳаракат қилишлари шулар жумласидандир.

Демократиянинг асосий шаклларида бири - бу давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларини умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиш-референдум ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Шарҳланаётган моддада фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи ўз ифодасини топган.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи ҳуқуқий-демократик давлатнинг муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Чунки, биринчидан, давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи сиёсий ҳуқуқлар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Иккинчидан, бу ҳуқуқлар фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини

бошқаришдаги ипггироки билан боғлиқ бўлиб, ўз табиатига кўра инсон туғилганиданок эга бўладиган ва узвий ҳисобланган асосий шахсий ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, давлат фуқаролигига эга бўлиши билан боғлиқдир. Бу фарқлар Конституцияда шахсий ҳуқуқлар «ҳар ким», сиёсий ҳуқуқлар «фуқаролар» деб аниқ йўналтирилганлигида ўз ифодасини топган.

Конституциямизда фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирокини амалга ошириш шакллари ифодаланган.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда сайлов ва референдумларда бевосита қатнашишлари ва ўз овозларини беришларида намоён бўлади.

Фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи эса, олий ва маҳаллий вакиллик органларига сайлайдиган ўз вакиллари орқали давлат ва жамият ишларини бошқаришда қатнашишларини ифодалайди. Мамлакатимизда босқичма-босқич олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳам бевосита фуқароларимизнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда инггирокини қафолатлашга қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан киритилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ҳамда Сенат томонидан маъқулланган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳам фуқароларимизни сиёсий партиялар орқали жамият ва давлат ишларида фаол ипггирок этишларини мустаҳкамлаб берди.

Давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш дейилганда, давлат бошлиғининг ўз лавозимига эга бўлиши, парламентни ҳамда суд ҳокимиятини шакллантиришни фуқароларнинг бевосита ёки билвосита иштироки орқали амалга ошириш тушунилади⁷.

Ўзбекистон фуқаролари сайловлар орқали ўз хоҳиш-иродаларини амалга

⁷ Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008, 149-бет.

ошириб, ўзлари сайлаган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини бошқаришда иштирок этадилар.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш, қонун ижодкорлиги жараёнини такомиллаштириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш, фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларини ушбу жараёнга фаол жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда⁸.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида қонун ҳужатларини такомиллаштириш юзасидан фуқароларнинг таклифларини умумлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисидаги норма кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, жумладан, 1997 йилда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида“ги Қонунида мавжуд эди.

Ўзбекистон Республикасининг „Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида“ги Қонунида фуқароларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш, уларни жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёнига кенг жалб этишга оид ҳуқуқий механизм ўз ифодасини топди. Бу қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролар иштирокини таъминлашда муҳим омил бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси „Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида“ги Қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши қонун ижодкорлигини эркинлаштиришнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган „Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“ қонун ижодкорлиги жараёнида фуқароларнинг иштирокини оширишнинг янги босқичини бошлаб берди.

⁸Шодмонов Ш. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда фуқароларнинг кенг иштирок этиши хусусида.//Фуқаролик жамияти, 2014, №3, 7-бет.

Амалдаги қонунчиликка асосан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар фуқаролар қонунлар лойиҳаларини ёки янги қонун қабул қилиниши, шунингдек, амалдаги қонунни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлиги тўғрисидаги таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти кўриб чиқиши учун киритиши мумкин⁹.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар айрим фуқароларга қонун лойиҳсини тайёрлашни белгиланган тартибда топшириш ёки шартнома асосида буюртма бериши мумкин. Мазкур субъект айрим фуқароларга муқобил лойиҳалар тайёрлашни топшириши ёки улар билан шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир.

Лойиҳани тайёрлаш бевосита ишлаб чиқарувчи томонидан амалга оширилади. Ишлаб чиқарувчининг қарорига кўра ишчи гуруҳ (комиссия) тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳнинг (комиссияси) таркибига фуқаролар киритилиши мумкин. Бунда фуқаролар ишчи гуруҳ (комиссияси) таркибига уларнинг розилиги билан киритилади.¹⁰

Миллий ва хорижий тажриба фуқароларнинг: 1) қонун лойиҳаларининг муҳокамасида эркин иштирок этиши; 2) лойиҳалар юзасидан таклифлар ва мулоҳазалар киритиши; 3) тегишли органлар, депутатлар билан ташкил этилган учрашувларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш имкониятларидан самарали фойдаланишларидан далолат беради.

Фуқароларнинг қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишининг қуйидаги принциплари мавжуд: ихтиёрийлик (мажбурлаш тақиқланади); тенг ҳуқуқлилик (жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб иштирок этиш

⁹Ўзбекистон Республикасининг „Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

¹⁰Давлат ва ҳўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига киритилган норматив –ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012 й. 9 апрелда 2352-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 й 9 апрелдаги буйруғига илова // www.lex.uz.

ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади); ошкоралик (муҳокама ошкора ўтади ва оммавий тусга эга бўлади); ҳамма учун очиклик (муҳокамада иштирок этишга ҳеч ким муънелик қилишга ҳақли эмас); эркин фикр билдириш.

Қонун лойиҳаларига доир ишлар дастурларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг комплекслиги ва ўзаро бир-бирини тўлдириши ҳисобга олинган ҳолда, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида демократик янгиланишларни амалга оширишга хизмат қилиши керак.

Қонун лойиҳаларини тайёрлашда амалдаги қонун ҳужжатларига фақат ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш билан чекланиб қолмай, қонун ҳужжатларининг мустақил ва яхлит лойиҳаларини ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Масъул бўлган манфаатдор ташкилот:

қонун ҳужжати лойиҳаси билан тартибга солинадиган предмет ва уни қўллаш амалиёти доирасида қонунчиликни ўрганади;

муайян ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга салбий таъсир кўрсатадиган бўшлиқлар ва номунофиқликларни, шунингдек, ушбу ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш эҳтиёжини белгилайди;

қонун ҳужжати лойиҳасини қабул қилиш натижасида қонунчиликнинг самарадорлигига таъсир кўрсатадиган сабаблар ва шартларни ўрганади;

етакчи хорижий мамлакатларда тегишли ҳуқуқий муносабатларни қонунчилик йўли билан тартибга солиш тажрибасини ўрганади¹¹.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган давлат органлари, нодавлат ташкилотлар ёки фуқаролар томонидан киритилган қонунлар лойиҳаларини ёки таклифларни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ўзи ишлаб чиқаётган қонунлар лойиҳалари учун асос сифатида қабул қилиши мумкин.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матнларининг электрон шакллариининг „Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси“ нинг веб-

Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторинг тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 й. 5 августдаги Қарорига илова // www.lex.uz.

сайтида эълон қилиниши шартли белгиланганлиги фуқароларнинг нафақат қонун ҳужжатлари мазмунидан хабардор бўлиши, балки, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида иштирок этишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Қонун ижодкорлигида фуқаролар фаоллигини оширишда ҳуқуқий экспериментни ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Фуқаролар мазкур синовда иштирок этиш жараёнида қонун лойиҳасининг амалда қандай қўлланилаётгани, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятига қизиқиши ортиб бораётгани, ҳуқуқий маданияти тобора мустаҳкамланиб, жамоатчилик ҳаётидаги иштироки фаоллашаётганининг гувоҳи бўлмоқда¹². Депутатлар, сенаторлар, ҳуқуқшунослар иштирокидаги семинарлар, конференцияларда қонун лойиҳаси муҳокамадан ўтказилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, қонун лойиҳаларининг муҳокамасида фуқаролар йиғинларининг роли ҳам салмоқлидир.

Юқорида қайд этилганидек, фуқаролар қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси иштирокчилари бўлишлари мумкин. Ушбу жараёнда фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар: муҳокамада эркин иштирок этиш; лойиҳа юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, ҳукуматга, бошқа давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига оммавий ахборот воситаларига таклифлар ва мулоҳазалар киритиш; депутатлар билан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вакиллари билан ташкил этилган учрашувларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш. Фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик туб

Қонунчилик демократлаштиришнинг самарали механизми. 2013 й. 26 сентябрь // www.uza.uz.

Ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини ва уларни ҳаётга татбиқ этишга оид масъулятни шакллантиришга хизмат қилмоқда.

2. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини қонуний кафолатлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақирик учинчи сессиясида 1993 йил 2 сентябрида қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини тузилишини ва уларни ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди.

Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзини ўзи бошқаришнинг моҳияти шундаки, бунда фуқаролар ҳаётий муҳим масалаларини биргаликда ҳал этиб, умумий бошқарувда иштирок этадилар. Ўзини ўзи бошқаришнинг асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга боғлиқ масалаларни ҳал қилишда мустақил равишда фаолият қилишни таъминлашдир¹³.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамият ва давлат ишларини бошқаришда қатнашишга доир ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришларида фуқароларга кўмаклашишади, ўз ҳудудларидаги ижтимоий хўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг, халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлашиш мақсадида фуқароларни бирлаштиради. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида қуйидагича белгиланган, «шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги

Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. – Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006, 531-бет.

махаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». (105-модда)

Конституцияда кўзда тутилган мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан илк бор 1993 йили ва 1999 йили янги таҳрирда қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунига кўра, ўзини-ўзи бошқариш органларини икки босқичи ёки икки тури тузилади, биринчиси олдин давлат ҳокимияти органлари тузилган ҳудудларда янги қишлоқ, шаҳар ва овулларда тузилди, иккинчиси шаҳарлардаги маҳаллаларда олдинги маҳалла комитетлари ўрнида тузилди. Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда тузиладиган ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат органларини айрим функцияларини бажармоқдалар.

Ўзбекистон Республикасида ҳаётга тадбиқ этилган ўзини-ўзи бошқариш тизими, биринчидан, Ўзбекистонни бозор муносабатларига ўтиши талабларини ҳисобга олиб амалга оширилган бўлса, иккинчидан, у шу соҳадаги дунёда қабул қилинган тизимларга ҳам мос келади.

Бу соҳада Европада маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш доимий конференциясининг ташаббуси билан Европа Кенгаши томонидан қабул қилинган маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни Оврўпа хартияси диққатга сазовор. Европа хартиясининг асосий мақсади фуқароларга ўз манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилишда иштирок этишга имкон яратувчи ва уларга энг яқин турувчи ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишдир. Европа Хартиясига қўшилиш ихтиёрий бўлиб, у ҳеч қандай моддий маблағлар талаб этмайди. Хартияни Оврўпа Кенгашига кирувчи давлатлар ихтиёрий имзолашлари мумкин.

Хартияга тааллуқли ва умуман, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш муаммолари ҳар йили бир маротаба маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш доимий

конференциясида кўриб борилади, бу конференция давлатлараро ташкилот бўлмасдан, вакиллик характериға эгадир.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасидаги ҳукуматлараро ташкилот маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш доимий Қўмитасидир, бу ташкилот Европа Кенгашининг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш соҳасида юридик, молиявий фаолиятнинг асосларини тайёрлаб беради, Қўмита йилиға икки маротаба мажлислар ўтказади.

Европа Хартиясининг иккинчи моддасида “маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш мамлакатнинг қонунчилигида ва имкони борича унинг Конституциясида ўз аксини топиши керак” дейилади.

Юқорида айтилгандек Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 105-моддасида ана шу ҳолат мустаҳкамланган, яъни бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқаро нормаларға тўла-тўқис мос келади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш Европа Хартиясининг 3-моддасида Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган "Фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунининг 1-моддасиға ўхшаш таъриф берилган.

Мустақил Давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи давлатларнинг ҳаммасида ҳали Ўзбекистондагига ўхшаш ўзини - ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчилик қабул қилинган эмас, айримларида қабул қилиниши арафасида, айримларида қонун лойиҳаси эндиғина ишлаб чиқилмоқда.

Мустақил давлатлар ёки Марказий Осиё Республикалари учун ҳам Европа Хартиясига ўхшаш юридик ҳужжат қабул қилиш мақсадға мувофиқ, чунки Европа Хартиясининг мақсади Европа Кенгашиға кирувчи аъзоларни янада мустаҳкам бирлигини таъминлаш.

Ўзини-ўзи бошқариш ҳар қандай демократик жамият тузумининг асосини ташкил этади. Фуқароларнинг маҳаллий ўзини- ўзи бошқариш орқали давлатни бошқаришда иштирок этиши демократик принциплардан

биридир. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини амалда ҳақиқий ваколатлар билан таъминлаш фуқаролар манфаатларини ҳам амалда ҳақиқий таъминлайдиган бошқаришга эришиш имконини беради.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига тўрт марта сайловлар бўлиб ўтди. Бу сайловларга асосан Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ягона тизими вужудга келди. Ҳозирги куннинг вазифаси ана шу ўзини-ўзи бошқариш органларининг илғор иш тажрибасини кенг ёйишдир.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун фуқаролар йиғинини чақиришнинг энг демократик асосларини белгилайди. Фуқаролар йиғинини раис (оқсоқол) тегишли халқ депутатлари Кенгаши ёки ҳоким билан келишилган ҳолда заруратга қараб чақиради. Фуқаролар йиғини шунингдек халқ депутатлари Кенгаши, ҳоким томонидан ёки ўн саккиз ёшга етган ва ушбу ҳудудда яшаётган фуқаролар учдан бир қисмининг ташаббуси билан чақирилиши мумкин.

Йиғинни чақиришнинг иложи бўлмаган тақдирда фуқаролар вакиларининг йиғилиши ўтказилади. Йиғилишларга кўчалар ва турар-жой биноларидан, маҳаллалардан ва бошқа ҳудудий тузилмалардан ўн саккиз ёшга етган ва мазкур ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар вакил қилиниши мумкин. Вакиллик меъёрларини тегишли халқ депутатлари Кенгашлари ёки туман шаҳар ҳокими белгилайди.

Фуқаролар йиғинларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи уларга келган тақдирда йиғинлар ваколатли ҳисобланади, вакиллар йиғилишлари эса уларга вакилларнинг камида учдан икки қисми келган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Фуқароларнинг йиғинини (йиғилишини) олиб бориш учун раёсат сайланади. Йиғинни (йиғилишни) раис (оқсоқол) ёки унинг маслаҳатчиларидан бири олиб боради. Барча масалалар бўйича қарорлар очиқ овоз бериш орқали ва оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Қонунда раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш тартиби белгиланган, уларни фуқароларнинг йиғини (йиғилиши) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишган ҳолда сайлайди.

Президент Ислон Каримов таъкидлаганидек, “...Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланиши, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади”¹⁴.

Ўзини - ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишда қонунда улар фаолиятининг иқтисодий ва молиявий негизи белгиланганлиги ҳозирги бозор муносабатлари ўрнатилган даврда катта аҳамиятга эга.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари қурган, сотиб олган ёки қонунда белгиланган тартибда уларга берилган бинолари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек сотиб олинган транспорт воситалари, хўжалик анжомлари ҳамда бошқа мол-мулк ўзини-ўзи бошқариш органларининг мулкидир, яъни булар ўзини-ўзи бошқариш органларини иқтисодий негизини ташкил этади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий ресурслари халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан ажратиладиган бюджет маблағларидан, фуқаролар ва меҳнат жамоаларининг ихтиёрий хайр эҳсонларидан, хайрия жамғармалари ажратиб берадиган маблағлардан таркиб топади.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий маблағлари банкдаги мустақил ҳисобларда сақланади, улар томонидан мустақил тасарруф этилади ва олиб қўйилиши мумкин эмас.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жамиятни ривожлантириш концепцияси. 2010 йил 12 ноябрь // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб сайти – [www/press-servise.uz](http://www.press-servise.uz)

Қонунда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ваколатлари, бу органларнинг структураси ва улар фаолиятини ташкил этиш, раис (оқсоқол)нинг ваколатлари берилган.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари ўзларига берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қиладилар. Бу қарорларни тегишли ҳудудда яшайдиган барча фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини-ўзи бошқариш органларининг қонунга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тегишли ҳокимлар бекор қиладилар.

Қонунга мувофиқ ўзини-ўзи бошқариш органларининг молиявий қарорлари, шунингдек раис (оқсоқол)нинг хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши — фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Ўзини ўзи бошқариш бу бевосита фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштирокининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Чунки фуқаролар ўзлари истиқомат қиладиган ҳудудда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш орқали фуқаролар йиғинини шакллантиришда ва унинг фаолиятини бошқаришда қатнашадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи — миллий ҳуқуқий тизимда нисбатан янги тушунчадир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг вужудга келиши ўтган асрнинг 90-йиллари бошларига тўғри келади. Бу даврда Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни бошланди. Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизимини мустаҳкамлаб борилиши миллий ҳуқуқий тизимда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг шаклланишида муҳим омили бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига асосан

шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазкур нормасидан келиб чиқиб, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасида белгиланишича, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир"¹⁵. Бу фаолият фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқлари, халқ ҳокимиятчилигининг бошқа шакллари, ўзини ўзи бошқаришининг сайлаб қўйиладиган ва бошқа органлари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуни шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ҳудудий бирликлар сифатида эътироф этган. Ҳар бир ҳудудий бирлик маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиши учун ўз мулки, молиявий базаси ва сайлаб қўйиладиган органларига эга.

Ҳозирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистонда янги ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланиш ва ривожланиш босқичини ўз бошидан кечирмоқда. Конституциямизда "Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари..."¹⁶ эканлиги эътироф этилиб, амалдаги қонунчиликда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" тушунчаси шаҳарча, қишлоқ ва овуллар, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.
Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: 2010. Ўзбекистон. 29-6.

шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, кишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллаларнинг тавсифи учун қўлланади.

2013 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунида "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" ва "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" тушунчалари ишлатилади. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" тушунчасининг таърифи юқорида кайд этилганидек, Қонуннинг 3-моддасида берилган бўлиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунчилик ҳужжатлари масаласини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуни бу органларнинг мулкини ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлайди ва бу мулк улар томонидан мустақил равишда бошқарилиши мумкинлиги ҳуқуқини эътироф этади. Шундай қилиб, Ўзбекистонда моҳият жиҳатидан янги ҳуқуқ соҳасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи деб номлашга барча асослар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига нисбатан асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилинади. Шунингдек, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши фақат конституциявий нормалар билан чекланиб қолмайди. Шундай қилиб, конституциявий ҳуқуқ давлат ва жамият қурилиши асосларини белгилайдиган принциплардан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи эса аҳолининг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқининг амалга оширилиши (рўёбга чиқарилиши) натижасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солади.

Мамлакатимизда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳокимият органлари тизимига кирмаганлиги учун ҳуқуқнинг ўзига хос субъекти эканлиги масаласини ушбу соҳани махсус ўрганган баъзи хорижий олимларнинг фикрларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш мумкин. Яъни, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида муайян ҳудудда алоҳида

бошқарув объектлари, бу бошқарув фаолиятининг шакллари, усуллари ва уни амалга оширилишининг воситалари мавжуд бўлади. Бу билан боғлиқ ҳолда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши муносабатлари тўғрисида фикр юритиш мумкин. Бошқарув функцияси маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари иштирок қиладиган айрим ҳокимият ваколатларига эга соҳаларда вужудга келади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи — миллий ҳуқуқий тизимда нисбатан янги тушунча. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи маъмурий ҳуқуқ (соҳаси)дан, биринчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши асосан ҳокимият бўйсунуш усулидан фойдаланилмаган ҳолда амалга оширилиши нуктаи назаридан давлат бошқарувиға ўхшашлиги; иккинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидаги хизмат давлат хизматидаги принципал жиҳатдан фарқ қилиши; учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига баъзи давлат ваколатлари юклатилиши мумкинлиги, бунда улар баъзи давлат бошқаруви функцияларини бажаришлари; тўртинчидан, маҳаллий аҳамиятга молик ишлар доирасига маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти кирмаганлиги сабабли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маъмурий юрисдикциядаги органлар қаторига кирмаслиги билан фарқ қиладди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланиб бормоқда.

Бу ҳуқуқнинг соҳавий тавсифига, унинг фақат ўзига хос тартибга солиш предметига эгаллиги, ҳуқуқий конструкциялари, нормаларнинг ўзига хослиги, юридик таъсир этиш усуллариининг бирга қўшилиши ёки хусусият омилларининг йиғиндисидан иборат.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимининг етакчи ҳуқуқ соҳаларидан бири конституциявий ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқ. Конституциявий ҳуқуқ фуқароларнинг ўзини ўзи

бошқаришини амалга оширилишининг шакл ва кафолатларини, унинг халқ ҳокимиятчилиги тизимидаги ўрнини белгилайди. Юқоридагилардан, конституциявий ҳуқуқ нормалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ташкил этилиши ва фаолияти жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ асосларини белгилайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг маъмурий ҳуқуқ билан ўзаро алоқаси унинг амалдаги қонунларга биноан маъмурий ҳуқуқ субъекти эканлиги билан боғлиқдир. Масалан, "шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги маъмурий комиссиялар"¹⁷. Улар ўз ваколатларига кирадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқадилар, шунингдек, маъмурий-ҳуқуқий характердаги бошқа ваколатларни ҳам амалга оширадилар. Бундан ташқари, қонунга биноан "фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда тегишли органларга тақдимномалар киритади", деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқи билан яқиндан ўзаро алоқада бўлади. Фуқаролик ҳуқуқи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаровий-ҳуқуқий мақомини белгилайди. Фуқаролик ҳуқуқи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тузилмалари номидан бу органларнинг мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқини амалга оширади¹⁸.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг молия, ер, экология, хўжалик ҳуқуқи каби ҳуқуқ соҳалари билан ўзаро алоқаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини тартибга солишда кўринади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунига биноан, бу органлар "ўз

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. -Т.: Адолат. 2001. 131-б.
Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. -Т.: Адолат. 1996. 77-б.

маблағларини шакллантиради, мулкига эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади", "Ободонлаштириш ишларини ўтказиш, умумий фойдаланишдаги жойларни таъмирлаш, шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг уйлари ва квартираларини таъмирлашда ёрдам кўрсатиш учун аҳолидан ихтиёрийлик асосида маблағ йиғиш тўғрисида қарорлар қабул қилади", "атроф-муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашади", "тегишли ҳудуддаги ерларнинг фойдаланилиши ва муҳофаза этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг иши, савдо ва фуқароларга хизмат кўрсатиш маданияти қоидаларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширилишига кўмаклашади ва ҳоказо.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши моҳиятан фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятidir. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ташкил этилиши ва фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси шаклланиши жараёнида "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи" номи вужудга келди ва тасдиқланди. Шунинг учун, миллий қонунчиликда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" тушунчаси қўлланилган.

Бу соҳага тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши", "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари", "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари", "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мулки", "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий асослари", Президент фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролар йиғини ва унинг органлари ва ҳоказолар кўрсатиб ўтилади. Бундан ташқари, қонунчиликда "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мавқеи қонун билан белгиланади", деб мустаҳкамланган. Шунинг учун ҳам, бизнингча,

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқ соҳаси номини "фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи" сифатида номланиши объектив ҳолатларга тўла мос келади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини нафақат ҳуқуқ соҳаси, балки, фан ва ўқув курси сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. Бу тушунчалар умумий манба — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ташкил этилиши ва фаолиятида вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар соҳасига эга бўлиб, ўзаро богликдир. Бироқ, бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга.

Маълумки, "Ҳуқуқнинг асосий вазифаси ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат. Ҳуқуқий тартибга солиш — ҳуқуқ ва бошқа қонуний воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир қилишни амалга ошириш демакдир"¹⁹. "Ҳуқуқ тизими — ижтимоий муносабатларнинг тизими ҳуқуқнинг ички тузилиши билан объектив боғланган, ҳуқуқий нормаларнинг изчил тарзда жойлаштирилишининг ифодасидир".

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи соҳасининг "тузилиши ва ривожланиши, оқибатда ижтимоий муносабатларнинг тизими билан белгиланган бўлиб, жамиятнинг ривожланиш босқичларига мувофиқ ташкил этилади".

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тизими мазкур ҳуқуқ соҳасида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг ифодаси бўлиб, бу соҳа ҳуқуқининг ички тузилишини, унда ҳуқуқ нормаларининг умумлашиши ва бошқа ҳуқуқ нормаларидан фарқланиш хусусиятларини кўрсатади.

Ўзбекистон миллий ҳуқуқий тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқининг алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида ажралиб чиқишининг муҳим шартларидан бири — ўзини ўзи бошқариш тизими элементларининг мавжудлиги бўлиб, бу тизим фаолиятининг ташкил этилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади.

А.Саидов, У.Тожионов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат. 2001. 21-6.

"Тизим" атамаси (юнончадан зузета) "режа, бир бутун қисмларнинг жойлашиш тартиби, ниманидир (йўл, юриш, ривожланиш жараёни, ҳаракат, усул) изчил боғлиқ тартибда олдиндан белгиланган тартибдаги тузилиши"ни англатади. Изоҳли лугатда "тизим атамаси, шунингдек яна ниманидир ташкил этилишининг шакли, ўз вазифаларига кўра бир хил, ўхшаш бўлган ташкилотлар ёки ташкилий бирлашган муассасаларнинг мажмуаси" сифатида талқин қилинади.

Ҳар бир ҳудудий бирлик маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этиши учун ўз мулки, молиявий базаси ва сайлаб қўйиладиган органларига эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига асосан: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар". Шундай қилиб, халқ ҳокимиятчилигининг иккита асосий шакли — бевосита (тўғридан-тўғри) ва давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (билвосита демократия) орқали амалга оширилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими доирасида (маҳаллий даражада) фуқароларнинг эркини бевосита, тўғридан-тўғри ифодаланиши шакллари (бевосита демократия) ва ўзини ўзи бошқаришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизими орқали билвосита шакллари воситасида иштирокини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, кўп муаллифлар маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимида ижтимоий ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғлиқ алоҳида гуруҳни ажратадилар. Бироқ, ижтимоий ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органлари ўзининг барча хусусиятлари билан маҳаллий даражада (жойларда) фуқароларнинг бевосита, тўғридан-тўғри эрки ифодаланишининг шакллари билан бири ҳисобланади. Бу юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, "Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга

оширилади". Демак, ўзини ўзи бошқариш тизими — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий аҳамиятга молик масалалар ҳал қилиниши борасида аҳоли (фуқароларнинг) эркини бевосита, тўғридан-тўғри ифода этилиши шакллариининг мажмуидир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланиб бормоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш (ҳуқуқи) тизими — ушбу ҳуқуқ соҳаси ижтимоий муносабатларининг мазмуни билан боғлиқ ҳолда, объектив равишда шаклланади, ушбу ҳуқуқ соҳасининг ички тузилишини, яъни қандай ички қурилмадан иборатлигини кўрсатади, юридик нормаларнинг муайян гуруҳга бирлашишини кўрсатади, соҳа юридик нормаларининг бошқа юридик нормалардан ўзига хослигини кўрсатади, бу соҳа ижтимоий муносабатларининг хусусияти ва уларнинг ҳам маълум даражада ихтисослашувига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи соҳаси⁴² ўз тизимига эга бўлиб, унинг предметига кирадиган ижтимоий муносабатлар гуруҳини тартибга солиб турадиган муайян бир турдаги мустақил нормалар мажмуидан иборатдир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тизими бу соҳада тартибга солинадиган муносабатлар мазмуни ва тавсифини ҳисобга олиб (назарда тутиб) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормаларини мантиқий, изчиллик билан тақсимланиши ва уларни муайян бир турдаги ҳуқуқий институтларга бирлашишига асосланади. Бу билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тизими ижтимоий ҳодиса сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши масалаларини ҳуқуқий тартибга солишда ўзаро алоқадорлик ва ботлиқликни ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи объектив асосларга эга, яъни унинг тизими нафақат "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун тузилишига, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг амалиёти эҳтиёжлари талаблари билан ҳам боғлиқ бўлиб, улар фуқароларнинг ўзини

ўзи бошқариш ҳуқуқи институтлари шаклланишига таъсир этиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини амалга оширилишида унинг ролини белгилаб олишга ёрдам беради.

Шундай қилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи тизими деганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш муносабатларини тартибга солишда уларнинг аҳамияти ва ролига қараб муайян тартибда, изчил ботлиқликда жойлашган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши институтларининг ҳуқуқий нормаларга бирлашиши тушунилади.

Унинг биринчи элементиға халқ ҳокимиятчилиги тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини мустаҳкамлайдиган, унинг жамият ва давлатни бошқаришдаги демократик бошланмаларнинг ривожланишидаги ролини белгилайдиган нормалар киради. Бу гуруҳ нормаларға фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликда фойдаланиладиган асосий тушунчалар: масалан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тушунчаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар киради. Бу гуруҳға яна фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг асосий принциплари ва функцияларини мустаҳкамлайдиган нормалар киради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши жойларда ҳокимиятни амалга оширилишининг ўзига хос шакли сифатида бевосита ва вакиллик демократиясининг шакллари билан яқиндан алоқаси ва муносабати билан тавсифланади. Мазкур гуруҳға кирадиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи нормалари фуқароларнинг эркини ифодаланишининг бевосита шакллари, бу тизимнинг бошқа элементларини мустаҳкамлайди²⁰.

Бу тизимнинг иккинчи элементиға фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий, ҳудудий, ташкилий, иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлайдиган нормалар киради. Бу нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳудудий бирликларини тузиш, тугатиш,

Олламов Я. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ва унинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни. //Жамият ва бошқарув, 2014, № 1, 52-бет.

шунингдек уларнинг чегараларини ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартибини белгилайди ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришини ташкил этиш принципларини мустаҳкамлайди.

Хуқуқнинг асосий вазнфаси ижтимоий муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан иборат. Хуқуқий тартибга солиш хуқуқ ва бошқа қонуний воситалар ёрдамида ижтимоий муносабатларга таъсир қилишни амалга ошириш демакдир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш хуқуқи мустақиллигининг муҳим шартларидан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг иқтисодий-молиявий асоси ҳисобланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш хуқуқининг нормалари уларнинг мулкани, унинг таркибини мустаҳкамлайди, шунингдек, молиявий асослари мустақиллигини белгилаб беради.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш хуқуқи тизимининг учинчи элементига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларини мустаҳкамлайдиган нормалар киради. Бу нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларини, шунингдек, уларга давлат томонидан юклатилиши мумкин бўлган баъзи вазифаларни амалга оширишдаги ваколатларини белгилайди. Бу гуруҳга кирадиган нормалар маҳаллий ҳаётнинг турли соҳаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ўз ваколатларини амалга оширилиши жараёнида вужудга келадиган муносабатларда уларнинг ваколатларини белгиланиши принципларини тартибга солади.

Бу тизимнинг тўртинчи элементига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши қафолатларини белгилайдиган нормалар киради. Бу нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ташкилий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган қафолатлар тизимини, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришида ҳимоянинг суд ва бошқа хуқуқий шакллари мустаҳкамлайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг моҳияти — бу фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил ва

Ўз масъулияти асосидаги фаолиятидир. Шунинг учун ҳам бу тизимнинг бешинчи элементини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини белгилайдиган нормалар ташкил этади. Бу нормалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг жавобгарлигини (шакллари, тартиби ва шартларини) белгилайди.

Билдирилган фикр-мулоҳазаларимизни мухтасар қилиб айтсак, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи халқ ҳокимиятчилиги тизимида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий, ҳудудий, ташкилий, иқтисодий-молиявий асослари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатлари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг кафолатлари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг жавобгарлиги каби таркибий қисмларидан иборат.

3. Давлат органларини демократик тарзда ташкил этишда референдум ўтказиш тартиби.

Демократиянинг асосий шаклларида бири бу — давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларининг умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиши — референдум ҳисобланади. Референдум атамаси латин тилидаги «Refegendum» сўзидан олинган бўлиб, «нима керак бўлса, қилиш», деган маънони англатади. Референдум сайловлардан фарқ қилади, яъни у мансабдор шахсларни белгиланган мансабга сайлашни эмас, балки давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган ишларни — қонун, қонун лойиҳаси, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муаммоларини ҳамда ички сиёсий муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди²¹. Унинг ҳозирги моҳияти фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида бевосита илгирок этишини билдиради.

Референдумнинг сайловлардаги овоз беришдан фарқи шундаки, у бирон-бир шахс мандатига юридик куч бермай, балки муайян масалани ҳал қилишга қаратилади. Конституция ва қонунларда белгиланган қоидалар асосида референдум орқали қабул қилинган қарор халқ иродаси ҳисобланади ва унинг юридик аҳамияти, одатда, парламент томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлардан устун бўлади. Референдумда қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг қўйилган муайян масалага тасдиқловчи ёки рад қилувчи жавоби шаклида қабул қилинади.

Сайловчиларнинг овоз беришини баъзан плебисцит деб ҳам аталади (лотинча *plebiscitum* — халқ қарори). Ҳукукий жиҳатдан референдум ва плебисцит ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, улар тўлиқ синонимлардир. Бироқ стилистик фарқ мавжуд бўлиб, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига доир референдум қоида тариқасида плебисцит деб аталади. Масалан, фуқароларни овоз бериш йўли билан ҳал қилинадиган тегишлилик жиҳатидан баҳсли ҳудудлар мақоми ҳақидаги, бошқарув шакли ҳақидаги, давлат бошлиғи ҳақидаш масалалар кўриладиган референдум расмий ёки

норасмий равишда плебисцит деб аталади.²²

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида мустақамланганидек: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади»²³.

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади ва у сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрийдир. Ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади, фуқаролар хоҳиш-иродасининг назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларни референдумда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш ва хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. 1994 йил 5 май куни қабул қилинган «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, уни назорат этишга йўл қўйилмайди, фуқаролар вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар²⁴. Қонунга кўра, сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида: «жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, № 5, 110-модда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012, 5-бет

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, № 5, 127-модда.

қонун билан белгиланади» — дейилган.

Референдум (лотинча *referendum* — хабар (маълум) этилиши керак бўлган нарса) — алоҳида жамият ва давлат аҳамиятига молик масалани ҳал қилиш учун умумхалқ овозига, сўровига қўйишдир.

Референдум — бевосита демократиянинг энг муҳим конституцияларидан биридир. Референдумга иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларга тааллуқли муҳим масалалар қўйилади. Чунончи, 1991 йилнинг 29 декабрида ўтказилган референдумга Ўзбекистон халқи давлат мустақиллиги эълон қилинганлигини яқдиллик билан қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи белгиланган. Фуқаролар бундай ҳуқуқни ҳар хил шакллардаш сиёсий-ташкилий тадбирларда, яъни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида, референдумларда вакилларини сайлаш, давлат органларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини амалга оширишда қатнашиш орқали амалга оширадилар.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг олий шакли — референдумда қатнашиб, овоз беришдир. Агар давлат ўз конституция ва қонунларида референдумлар ўтказилиши, яъни умумхалқ овоз беришини ва уларда фуқароларнинг қатнашиш ҳуқуқини ҳамда бу ҳуқуқни амалга ошириш йўл-йўриқларини белгилаб қўйган бўлса, бундай давлатни жаҳондаги энг илғор демократик давлатлар қаторида санаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида референдум давлатнинг демократик белгиларидан бири сифатида Конституцияда ва 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги қонунда ўз ифодасини топган. Мазкур қонун 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди. Референдум — жамият ва давлат ишларини бошқаришда халқ иштирокининг олий шакли. Референдумда иштирок

этаётган фуқаро ижтимоий ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан овоз бериш йўли билан ўз эркини ифодалайди. Демак, жамият ва давлат ривожининг энг муҳим масалаларини ҳал этиш фуқаролар ихтиёрига ҳавола этилади.

Бундай ҳуқуқни амалга оширишда фуқаролар бевосита ўзи, яъни ҳеч қандай вакил (воситачи)ларсиз иш кўради. Шу маънода фуқаронинг референдумда иштирок этишини ҳатто сайловда иштирок этиш билан ҳам тенглаштириб бўлмайди. Агар сайлов вакилни сайлаш бўлса, референдумда овоз бериш фуқаронинг вакилисиз, яъни ўз ихтиёрига ҳавола этилган масала бўйича эрк изҳор этишидир. Демак, фуқаро учун бундай овоз бериш қандайдир маънода жуда афзалдир.

Бундан ташқари, референдум орқали қабул қилинган қонун (қарор)лар олий юридик кучга эга бўлади. Улар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Бу ерда ҳулоса шуки, фуқаро ўзи бевосита овоз бериб билдирган эркининг кучи сайлаб қўйган вакиллари орқали қабул қилинган қонун (қарор)лардан ҳам юқори даражада юридик кучга эга.

Қонунда референдумни ўтказиш принциплари мустаҳкамлаб қўйилган (3-модда). Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда ихтиёрий тарзда ва бевосита иштирок этадилар.

Референдумда овоз бериш яширин ўтказилади, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини изҳор этишларини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари референдумда тенг асосларда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро шахсан овоз беради ва бир овозга эга бўлади.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш давомида кенг ошкоралик, жамоатчиликнинг иштироки таъминланади.

Қонунда референдум предметиға қирмайдиган масалалар ҳам кўрсатилган. Жумладан, республиканинг ҳудудий бир бутунлигини ўзгартириш тўғрисидаги, солиқлар, бюджет тўғрисидаги, амнистия, афв этиш

тўғрисидаги, жамоат тартибини, аҳолининг сихат-саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича фавқулодда ва шошилиш чора-тадбирлар тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси тузган халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар, шунингдек, мансабдор шахсларни тайинлаш ва озод этиш билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикасининг референдумига кўйилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ташаббуси билан:

Ўзбекистон Республикаси фукаролари;

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти;

Қорақалпоғистон Республикаси номидан унинг давлат ҳокимияти олий органи чиқиши мумкин.

Референдумни тайинлаш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши эгадир.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш чоғида ошкоралик ва очиқлик алоҳида аҳамият касб этади. Қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, оммавий ҳаракатлар, референдумни ташкил этишда ва уни ўтказишда қатнашаётган давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора амалга оширадилар²⁵.

Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, бошқа жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳаракатлар, меҳнат жамоалари ва фукароларга референдумга киритилажак масалани ёқлаб ёки унга қарши бемалол ташвиқот юргизиш ҳуқуқи кафолатланади.

Овоз бериладиган кунда ташвиқот олиб бориш ман этилади.

Референдумга оид барча масалалар, шунингдек, референдумга киритилажак қонун ёки ўзга қарорларнинг лойиҳалари тегишли идоралар томонидан қабул қилингандан кейин етти кун мобайнида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Таджиханов У. Ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2001, 500-бет.

Оммавий ахборот воситалари референдумни тайёрлаш қандай бораётганини ва унинг ўтишини ёритиб турадилар, уларнинг вакилларига референдум билан боғлиқ бўлган барча йиғилишлар ва мажлисларга бемалол кириш ва тегишли ахборотни олиш кафолатланади.

Референдум комиссиялари ўзларининг таркиби, манзилгоҳи ва иш вақтидан, овоз бериш участкаарининг ташкил этилганлигидан ва референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхатидан аҳолини ўз вақтида воқиф қилади.

Референдум комиссияларининг мажлисларида, шунингдек, овоз бериш вақтида ва овозларни ҳисоблаб чиқиш чоғида, референдумнинг натижаларини аниқлаш пайтида сиёсий ва ўзга жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатларнинг, меҳнат жамоаларининг, фуқаролар йиғилишларининг, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлишга ҳақлидирлар. Комиссияларнинг мажлисларида ёки овоз бериш участкаларида ҳозир бўлган шахслар уларни йўллаган ташкилот йиғилишининг баёнидан тасдиқланган кўчирмага ёки ўзларининг ваколатларини тасдиқловчи ўзга ҳужжатга эга бўлишлари керак. Мазкур вакиллар ҳозир бўлиши кутилаётганлиги тўғрисида референдум ўтказувчи комиссияларни олдиндан воқиф этиш талаб қилинмайди. Референдум ўтказувчи комиссиянинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Референдумни тайёрлаш ва уни ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат идоралари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва уларнинг бирлашмалари зарур хоналар ва жиҳозларини референдум ўтказувчи комиссиянинг ихтиёрига бепул берадилар. Давлатта қарашли бўлмаган корхоналар ва ташкилотларнинг хоналари ва жиҳозларини референдум ўтказувчи комиссия иши учун ижарага олиш ҳақи республика бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Демак, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш

хукукига эгадирлар. Бу хукук фукароларнинг референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилади.

«Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши» Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўзда тутилган бўлиб, (9-модда) умумхалқ муҳокамаси — конституциявий демократик жараёндир. Фукаронинг қонунлар лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашиши, таклиф ва мулоҳазаларини билдириши ҳамда кўпчилик томонидан билдирилган фикрларнинг ҳисобга олиниши бевосита демократиянинг амалий намоён бўлишидир.

Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ўзларининг «Тузуклар»ида: «Нимаки муҳим иш қилсам, аввал машварат ўтказдим, маслаҳатлашдим», — деб лутф қилган эдилар. Хоҳ ҳарбий соҳада бўлсин, хоҳ давлатчиликнинг арконлари йўлида бўлсин, соҳибқироннинг барча тадбирлари изчил муваффақият қозонганлигининг, Амир Темур салтанати қудратининг бош сабаби, эҳтимол, ана шунда — ҳар бир муҳим ишнинг халқ билан маслаҳат қилинганида эди. Қолаверса, халқ ҳокимияти ҳисобланган демократиянинг бош принципи ҳам шу — халқни унинг иродасига кўра бошқармоқдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Фидокор» газетаси муҳбири саволларига жавобларида миллий мафкура борасида гапирганида: «Бундай мафкура шу мамлакатда яшайдиган барча аҳолининг, дейлик, ҳар бир деҳқон, ишчи ёки хизматчининг, зиёлининг юрагидаги ғоялар, туйғуларни мужассам этиб, унга бунёдкорлик руҳини бахш этиши лозим», — деган эди. Бу фикр қонунчилигимизга нисбатан татбиқ қилинганда ҳам тўғридир. Зеро, қонунлар ҳам халқнинг юрагидаги туйғуларга мос келганда, элини ўйлантирган фикрларни ўзида мужассам қилгандагина одамларга бунёдкорлик руҳини бахш этиши мумкин.

Парламентимиз томонидан қабул қилинган бир қанча қонунларнинг лойиҳалари аввал умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида қабул қилинади. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ

муҳокамаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинишининг зарурати ва қонунлар лойиҳалари умумхалқ муҳокамасининг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, мамлакатимизда барпо этилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг моҳияти акс этган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», — дейилган (2-модда). Конституцияда «давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб» амалга оширилиши (7-модда), «давлат ўз фаоллигини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга ошириши» (14-модда) кўзда тутилган.

Иккинчидан, эътироф этиш керак, эркин, очиқ ва бевосита сайловлар демократиянинг асосида ётади. Аммо сайловлар орасида анчагина муддат бор. У сайловдан бу сайловгача ҳокимиятни халқ билан боғлаб турадиган, демократик тузум моҳиятини намоён қиладиган, халқнинг давлатни бошқаришдаги иштирокини таъминлайдиган жараёнлардан бири қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасидан ўтказилишидир.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади», — деган муҳим қоида мавжуд. Халқдан келадиган турли фикрларнинг ҳисобга олинишига ва сиёсатимизнинг адолатни таъминланишига хизмат қиладиган жараён сифатида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси хурфикрликка ҳам йўл очади.

Тўртинчидан, истиқдол шарофати билан қонунга халқ томонидан давлат одамларнинг ҳаракатини чеклаш учун юқоридан белгилайдиган чегара эмас, аксинча, халқ манфаатларини ҳимоя қиладиган, одамларнинг ўзлари иштирокида ишлаб чиқиладиган меъёр сифатида қаралмоқда. Яъни қонунга — тор идоравий қогозбозлик меваси эмас, халқ ижодкорлигининг маҳсули сифатида қараш шаклланимоқда ва бу жуда муҳим ҳодисадир.

Бешинчидан, қонунларнинг умумхалқ муҳокамаси уларнинг бажарилишига ҳам бевосита таъсир қилади. Ахир, одамлар ўз иродаларини ифода этиб, ўз хоҳишлари билан муҳокамада қатнашадиган.

Хулоса

Ўзбекистон Конституциясининг фуқароларига берилган сиёсий соҳадаги ҳуқуқлардан бири шу "жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш"дир. Бундай иштирок этиш ҳуқуқи икки йўл билан амалга оширилади:

Биринчидан: бевосита иштирок этиш. Бу референдум ўтказишда, давлат органларини сайловлар йўли билан ташкил этишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятида иштирок этиши билан амалга оширилади.

Иккинчидан: фуқаролар ўзлари сайлаб қўйган вакиллари, давлат органлари, Республика Президенти орқали жамият ва давлат, шуларни амалга оширишда қатнашадилар.

Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимиغا ҳамда давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг, яширин овоз бериш ва бевосита сайлов ҳуқуқи асосида эркин амалга оширилади. 18-ёшга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Фуқароларнинг яна бир пасив сайлов ҳуқуқи бўлиб, бу вакиллик органларига сайлаш ҳуқуқидир. Сайлов кунига кадар 25-ёшга етган ҳар бир фуқаро Олий Вакиллик органи - Олий Мажлисга депутат этиб сайланиши мумкин. Шунингдек, 35 ёшга етган, давлат тилида эркин сўзлаша оладиган, бевосита сайловгача 10 йилдан кам бўлмаган муддатда республикамиз ҳудудида муқим яшаган фуқаро Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрель қонунига асосан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек,

миллий ва маънавий қадриятларидан, маҳаллий урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти демократизм, ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам каби асосий принципларига бўйсунди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидаги турларга бўлинади:

шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғини (вакиллар йиғилиши);

фуқаролар йиғинининг кенгаши;

фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар;

фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси;

туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия ва бошқа жамоат тузилмалари.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимида кирмайди.

Фуқаролар йиғини – фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг юқори органи бўлиб, аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қилувчи қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла ҳудудида доимий яшаётган шахслар қатнашадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги 180-сонли қарорига асосан ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ҳам фаолият кўрсатади. Бундай тузилмаларни тузишдан асосий мақсад – фуқароларнинг фаоллигини ошириш йўли билан ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнини жадаллаштириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш

органлари давлат бошқарув тизимининг айрим ваколатлари бажарилишига кэнг йўл очиш, осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлашда давлат билан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлаш, аҳолининг ўзаро ҳамжиҳатлигини оширишдан иборатдир.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига, фуқаролар йиғини кэнгашининг қарорига биноан, онгли равишда Ватан, халқ манфаатлари йўлида садоқат билан беғараз хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон-эътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазилатларларга эга бўлган, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган, тегишли маҳаллада истиқомат қилувчи 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар. Ушбу тузилмалар билан ишлаш, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари юқорида келтирилган Низомда белгиланган.

Бундан ташқари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида фуқароларнинг оилада ва маҳаллада тинч-осойишта ҳамда ҳамжиҳатликда яшашларини таъминлаш, оилавий келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб-ташвиқ қилиш мақсадида тузиладиган яраштириш комиссиялари ҳам фаолият кўрсатади. Яраштириш комиссиялари таркибига хотин-қизлар кўмитасининг раиси, милиция профилактика инспекторлари, ҳудуддаги мактаб директорлари ёки уларнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, маҳаллада истиқомат қилувчи намунали оилаларнинг бошлиқлари, имом-хатиблар, фахрийлар киритилади. Яраштириш комиссияларига фуқаролар йиғинининг оқсоқоллари ёки уларнинг ўринбосарлари раислик қиладилар.

Давлат ва жамият ҳаётининг муҳим муаммоларининг умумхалқ муҳокамасида ўз ечимини топиши — референдум ҳисобланади. Референдум сайловлардан фарқ қилади, яъни у мансабдор шахсларни белгиланган мансабга сайлашни эмас, балки давлат ва жамият аҳамиятига молик бўлган

ишларни — қонун, қонун лойиҳаси, Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш муаммоларини ҳамда ички сиёсий муаммоларни ҳал қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Унинг ҳозирги моҳияти фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётида бевосита иштирок этишини билдиради.

Референдумнинг сайловлардаги овоз беришдан фарқи шундаки, у бирон-бир шахс мандатига юридик куч бермай, балки муайян масалани ҳал қилишга қаратилади. Конституция ва қонунларда белгиланган қоидалар асосида референдум оқоли қабул қилинган қарор халқ иродаси ҳисобланади ва унинг юридик аҳамияти, одатда, парламент томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлардан устун бўлади. Референдумда қабул қилинган қарорлар фуқароларнинг қўйилган муайян масалага тасдиқловчи ёки рад қилувчи жавоби шаклида қабул қилинади.

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади ва у сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг референдумда иштирок этиши ихтиёрийдир. Ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади, фуқаролар хоҳиш-иродасининг назорат қилинишига йўл қўйилмайди.

Фуқароларни референдумда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш ва хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади. 1994 йил 5 май куни қабул қилинган «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга кўра, сайловчилар ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, уни назорат этишга йўл қўйилмайди, фуқаролар вакиллик органларига кўрсатилган номзодларни ёқлаб ёки уларга қарши ташвиқот юритиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунга кўра, сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъий

назар, уларга референдумларда, сайловларда бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, „... Энг муҳими, давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда фуқароларнинг кенг иштирок этишига эришиш даркор. Шунда қонунларимиз инсон ҳуқуқини таъминлашга, бошқача айтганда, халқимиз манфаатларига хизмат қилади”²⁶.

Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси. 1997 й. 20 май // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-servise.uz.

Фойдаланилган адабиётлар:

I. Рахбарий адабиётлар:

- 1.Каримов И.А. Адолат – конун устуворлигида. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Каримов И.А. Ватан озодлиги – олий саодат. Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XV сессиясидаги маъруза. 1998 йил 19-август // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.
- 3.Каримов И.А. Миллий давлатчилигимиз тарихининг мумтоз намунаси. 2011 йил 8-апрель // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.
- 4.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва жамиқтини ривожлантириш концепцияси. 2010 йил 12-ноябрь // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www/press-service.uz
- 5.Каримов И.А. Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси. 1997 йил 20-май // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.

II. Норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 6.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
- 7.Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ.–Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
- 8.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. -Т.: Адолат. 1996.
- 9.Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. -Т.: Адолат. 2001.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни// Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994, № 5, 127-модда.
- 11.«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, № 5, 110-модда.

12.Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 17-сон, 219-модда.

III. Махсус адабиётлар ва мақолалар:

13.Юридик энциклопедия. – Т.: «Шарқ», 2001.

14.Конституциявий ҳуқуқ. Энциклопедик луғат. – Тошкент: «Ўзбекистон нашриёти», 2006.

15.Фуқароларнинг жамият ишларини бошқаришдаги иштироки. // Фуқаролик жамияти, 2013, №1.

16.А.Саидов, У.Тожионов. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. II жилд. Ҳуқуқ назарияси. -Т.: Адолат. 2001.

17.Таджиханов У. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2001.

18.Олламов Я. Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи ва унинг миллий ҳуқуқий тизимдаги ўрни. //Жамият ва бошқарув, 2014, № 1.

19.Матибаев Т.Б. Демократия – ижтимоий адолат ва ҳамкорликни амалга ошириш имконияти. // Жамият ва бошқарув, 2013, № 1.

20.Шодмонов Ш. Қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда фуқароларнинг кенг иштирок этиши хусусида.//Фуқаролик жамияти, 2014, №3.

IV. Интернет – сайтлар:

1.Ўзбекистон Республикасининг „Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги Қонуни//Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базасининг веб-сайти – www.lex.uz.

2.Давлат ва хўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасига киритилган норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида услубий кўрсатмалар. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2012

йил 9-апрелда 2352-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йил 9-апрелдаги буйруғига илова // www.lex.uz.

3.Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республика Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш бўйича дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторинг тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 5-августдаги Қарорига илова // www.lex.uz.

4.Ўзбекистон Республикасининг „Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисидаги Қонуни // www.lex.uz.

5.Қонунчилик демократлаштиришнинг самарали механизми. 2013 йил 26-сентябрь // www.uza.uz.

6.Ўзбекистон Республикасининг “Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида”ги Қонуни.// www.lex.uz.